

“Тасдиқланган”
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
томонидан
12 ноябрь 2013 й.

14-сон ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ
СТАТИСТИК ИНДИКАТОРЛАР МОҲИЯТИ ВА ЙИҒМА СТАТИСТИКА
АХБОРОТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ (ШАРҲЛАШ) МАСАЛАЛАРИ
БЎЙИЧА ЎҚИТИШ

1. Хизматнинг таърифи (паспорт)

1.1. Хизмат номи

Статистик индикаторлар моҳияти ва йиғма статистика ахборотларини таҳлил этиш (шарҳлаш) масалалари бўйича ўқитиш.

1.2. Хизмат натижалари

Манфаатдор шахсларни статистик индикаторлар моҳияти ва йиғма статистика ахборотларини таҳлил этиш масалалари бўйича ўқитиш.

1.3. Хизмат кўрсатиш органлари ва бланк олиш жойлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси қошидаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази.

1.4. Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги 441-П-сонли Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 8-сонли Қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар.

1.6. Сўров бериш муддати

Сўров бериш муддати ўрнатилмаган.

1.7. Бажариш муддати

Шартнома шартларига мувофиқ.

1.8. Тасдиқ бериш муддати

Шартнома шартларига мувофиқ.

2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Шартнома шартларига мувофиқ.

2.2. Кенг миқёсда хабардор қилиш

Давлат хизмати ҳақида ахборот Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтининг ўнг тарафидаги “Интерактив хизматлар” бўлимининг “Хизматлар рўйхати” қисмида жойлаштирилган.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказининг www.bilim.stat.uz расмий сайтида.

2.3. Сўров бўйича хабардор қилиш

Шахсан: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай савол юзасидан оғзаки маслаҳат (10 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Телефон орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай катта ҳажмдаги аниқ ахборот берилишини талаб қилмайдиган савол юзасидан оғзаки маслаҳат (5 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Факс орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача сўров бўйича ёзма ҳужжатларни (3 варақдан кўп бўлмаган) қабул қилиш ва узатиш.

Электрон почта орқали: ҳар қандай ёзма сўровларни кенг тарқалган матн форматларида (оддий матн, DOC, RTF, PDF форматларида бириктирилган файл) ёки келишилган бошқа форматларда кечаю кундуз қабул қилиш, соат 9-00 дан 18-00 гача оддий матн форматида, DOC, RTF, PDF форматидаги бириктирилган файл кўринишида ёки келишилган бошқа форматларда ёзма ҳужжатларни узатиш.

Давлат статистика қўмитаси расмий сайтига шахсий мурожаат – кечаю кундуз.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, 100192, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-б.

2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат бланклари (шакллар)

Ҳужжат бланкалари (шакллар) ишлатилмайди.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Иш тартиби: иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.

3.2. Кутиш шартлари

Шартнома шартларига мувофиқ.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур ҳужжатлар

Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказига расмий сўров.

4.2. Хизмат ҳақи

Шартнома шартларига мувофиқ.

Хизмат учун тўлов Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

- 1) расмий сўров жўнатиш;
- 2) ўқув гуруҳларини ташкил этиш ва буюртмачи билан дарс жадвалини келишиш;
- 3) ўқитиш учун шартнома тузиш;
- 4) ўқитиш қийматини тўлаш;
- 5) ўқитишни ташкил этиш.

4.4. Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар

- 1) келиб тушган сўровни рўйхатга олиш;
- 2) ўқув гуруҳларини ташкил этиш ва буюртмачи билан дарс жадвалини келишиш;
- 3) ўқитиш учун шартнома тузиш;
- 4) ўқитишни ташкил этиш.

4.5. Рад этиш асослари

Ўрнатилмаган.

5. Сифат таъминоти

5.1. Сифат параметрлари


Хизмат кўрсатиш сифати кўрсатиладиган хизматлар учун ўрнатилган тартибга тўлиқ жавоб беради.




5.2. Хизмат сифати устидан шикоят қилиш тартиби

Статистика органларига белгиланган тартибда ёзма мурожаат қилиш ёки Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтидаги қарши алоқа шакли орқали шикоят билдириш мумкин.


Давлат хизматини кўрсатиш схемаси




Статистик индикаторлар моҳияти ва йиғма статистика ахборотларини таҳлил этиш (шарҳлаш) масалалари бўйича ўқитиш



	Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган.
	Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган.
	Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.

Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар таърифи
Статистик индикаторлар моҳияти ва йиғма статистика
ахборотларини таҳлил этиш (шарҳлаш) масалалари бўйича ўқитиш



	Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган.
	Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган.
	Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.